

Буюртмали хат-хабарларни етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 01

Шахрихон тумани

« 11 » Июль 2022 йил.

Ушбу низом асосида фаолият юритувчи Амкранфудай Башир мавжуд келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланади, унинг рахбари О.У. Усмоилов бир томондан, «Ўзбекистон почтаси» А.Ж. Андижон филиали Шахрихон туманлараро почта алоқа боғламаси бошлиғи З. Бегматов, (келгусида «ПОЧТА» деб юритилади) НИЗОМ га асосан фаолият кўрсатувчи иккинчи томондан куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни.

«Буюртмачи» ва «Почта» ўртасида, фуқароларга юбориладиган буюртмали, хат-хабарларни хат шаклида қабул қилиб, буюртмали хат-хабарларни Фуқароларнинг манзилларига етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

-Хар иш кунлари, якшанба кунларидан ташқари, соат 9-00 дан 17-00 гача «Почта»га фуқароларга етказиб берилиши лозим бўлган хат-хабарларини хатжилдсиз буюртмали хат шаклида топширади;

Фуқароларга буюртмали хат-хабарларни икки нусхада тузилган шакл-103 рўйхатга асосан «Буюртмачи»нинг ишончли вакили томонидан буюртмали хат шаклида «Почта» га тақдим этади;

-Хат-хабарларда «Жўнагувчи» ва «Олувчи»нинг манзиллари тўлиқ ва аниқ (Вилояти, тумани, шахри, М.Ф.Й, қишлоғи, кўчаси, уй рақами, почта индекси, исми ва фамилияси тўлиқ, телефон рақами мавжуд бўлса) кўрсатилиши шарт;

2.2. «Почта» мажбуриятлари:

-«Почта» «Буюртмачи»дан фуқароларнинг хат-хабарларини буюртмали хат шаклида «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган яшаш манзилларига етказиб бериш мажбуриятларини олади;

-«Почта» «Буюртмачи»нинг фуқароларга етказиб берилиши лозим бўлган хат-хабарларини фуқароларга иш кунлари, якшанба кунидан ташқари, соат 9-00 дан 17-00 гача топширади;

3. Хисоб - китоб тартиби.

3.1.Хизмат ҳақлари «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан тўланади;

3.2.«Буюртмачи» «Почта» томонидан кўрсатилган хизматлар учун шартноманинг

4.3 бандига асосан 15% миқдорини олдиндан, қолган 85% миқдорини ой якунига кўра хисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи беш кунлигида тўлаб беради.

т/р	Махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	<u>Ковчеги</u>	дона	<u>200</u>	<u>785</u>	<u>157000</u>
2		дона			
3		дона			
4		дона			
	ЖАМИ	дона	<u>200</u>	<u>785</u>	<u>157000</u>

Шартноманинг умумий қиймати 157000 сўм — тийин

(Бир юз тилла етти миң) сўм — тийин.

4. Хизматга ҳақ тулаш тартиби.

4.1. Хар бир дона буюртмали хат-хабарни етказиб берганлиги учун «Буюртмачи» «Почта»га Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Почта алоқасининг универсал хизматларига белгиланган таърифлар» нархномаси асосида хизмат ҳақи тўлайди.

4.2. Шартноманинг умумий суммаси «Буюртмачи» томонидан бериладиган хар бир дона буюртмали хат сонига қараб белгиланади.

4.3. «Буюртмачи» «Почта» га кўрсатилиши лозим бўлган хизмат ҳақини келгуси ой учун берилиши кўзда тутилган буюртма сонининг умумий қийматини 15% миқдорини олдиндан, қолган 85% миқдорини хизматлар бажарилгандан сўнг тўлаб беради.

4.2. Агар «Буюртмачи»ни айби билан, «Олувчи фуқаро» буюртмали хат-хабарни олишдан бош тортса ёки ушбу манзилда яшамаётган бўлса (буюртмали хатга 20 шакл маълумотнома илова қилинади) «Буюртмачи» «Почта»га 100 фоиз хизмат ҳақи тўлайди.

4.3. Хизмат ҳақи ўзгарган тақдирда «Почта» «Буюртмачи» га дархол хабар беради.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Агар «Почта» «Буюртмачи»га ўз вақтида хизмат кўрсатмаса «Почта» «Буюртмачи»га ўз вақтида етказиб берилмаган хат-хабарнинг суммасидан 0,4 фоиз хар бир кечиктирилган кун учун жарима тўлайди, лекин тўлов буюртмали хат-хабарни етказиб бериш учун олинладиган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак:

5.2. «Почта»ни бажарган ишларига хизмат ҳақи «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, хар бир кечиктирилган кун учун «Буюртмачи» «Почта»га кўрсатилган хизматнинг умумий суммасидан 0,4 фоиз миқдорида жарима тўлайди:

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

Шартнома юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва бошқа масалалар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал этилади, агар ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар умумий асосларда таълукчилиги бўйича Судларда ҳал этилади:

Шартномага киритилладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро ёзма муружаатлари орқали амалга оширилади:

7. Форс – мажор.

Томонлар ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган шартларни бевосита бажара олишига тўсқиликлар (харбий ҳаракатлар, ёнгин чиқиш, сув тошқини, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар натижасида) вужудга келган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар тугагунга қадар узайтирилади ва ўз кучида қолади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати.

Шартнома _____ бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан бошлаб, кучга киради ва ва “___” _____ 20___ йил муддатга амал қилади, Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан шартнома бекор қилиниши мумкин.

Шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«БУЮРТМАЧИ»

«П О Ч Т А»

Номи: Агро кредит банк

Манзил: Шахрихон ш. Шох куча № 42-уй

х/р: 1102 0001 00000000000000000000

МФО: 00037 ИНН: 200242842

ОКОНХ: _____

“_____” банк _____ филиали

Бошлик: _____

Шахрихон туманлараро почта алоқаси боғламаси

Манзил: Шахрихон ш. Шох куча № 42-уй

Х/р: № 20210000100155266252

МФО № 00037 ИНН: № 200 833 833

АЖ “O’ZBEKISTON POCHTASI”

АТБ “Агро банк” Шахрихон филиали

Бошлик: 3. Бегматов